

Ошла Ва

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

Ислом КАРИМОВ

8 (1109)-сон 27 февраль 2013 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият

«ХАЁТ УЧУН!»:
КИМ ГОЛИБ БЎЛАДИ?



3



Дилдора НИЁЗОВА:
АЙТИЛМАГАН
ҚЎШИҚЛАРИМ
ЮРАГИМДА!

4



5

АРШУ АЪЛО
ЛАРЗАГА
КЕЛМАСИН

АЁЛ ШАЪНИ МУҚАДДАС,
ИРОДАСИ-ЧИ?



6

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Назира БОЙМУРОДОВА
сурат-лавҳаси.

Баҳор кириб келяпти, баҳор!

Ҳ И К М А Т

Кишилардан ўзингга нисбатан қандай муомала кутсанг, уларга ўзинг ҳам худди шундай муомала қилгин.

Абу Ҳомид ал-ФАЗЗОЛИЙ

1 Март —
Ўзбекистон
халқ шоири
Зулфия
таваллуд
тошган кун



Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ШОИРА ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

Бунда келди Сизни бир бор кўрганлар,
Назм боғингиздан гуллар терганлар.
Меҳробга киргандай сир босиб келар
Бир бора кўрай деб интиқ юрганлар.

Чучмомалар келар Бахмал ёқлардан
Ҳамид Олимжоннинг нафасин олиб.
Лолалар тушади Чотқол тоғлардан
Баҳор сочқиларин қўйнига солиб.

Аста тушиб мармар кошонангиздан
Маликадай виқор, салобат тўкиб,
Меҳр билан ўлиб пешонамиздан,
Даврага кирасиз ёниб шеър ўқиб.

Тегрангиз ўрайди бийрон, хур қизлар
Гўзал ёшлигингиз тимсоли, асли.
Кўзларида чақнаб бахтдан юлдузлар,
Тилга кирар буюк муҳаббат фасли.

Сандондан сачраган чўғдай ловуллаб,
Юракларга кўчар севги, ҳаёт, шавқ.
Баҳор шалоласи тушар шовуллаб,
Шеър сеҳрига тўлар шоир Шарқ.

Шон-шухрат аршида порлаган умр
Ҳикмат китобидай варақлар шод.
Ҳорғин чехрангиздан таралади нур:
“Мен сени қуйлайман эй, она ҳаёт”.

Бир лаҳза мангулик. Бир лаҳза дийдор.
Илоҳий дамларда илҳом ва сурур.
Зулфия пойидан бошланган баҳор,
Дилларга таширфинг учун ташаккур!

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг жамиятда ва оилада муносиб ўрин эгаллашларига қўмаклашиш устувор вазифалардан биридир. Айниқса, яқиндагина давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табриги жойларда барча аёлларни гоёат руҳлантириб юборди.

Кейинги йилларда барча ҳудудларда хотин-қизларнинг иқтисодий билимларини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш мақсадида халқаро ташиқлотлар билан ҳамкорликда ҳаётга кенг татбиқ этилаётган лойиҳалар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлиги ҳамда "Микрокредитбанк" кўмагида 2010 йилдан буюн "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳасининг изчил амалга ошириш келинаётганига алоҳида тўхталиш мумкин. Ушбу мақсад доирасида қўлида хунари бор аёллар ўртасида аввал семинар-тренинглар ўтказилиб, уларга тадбиркорлик сирлари ўргатилади. Кейин эса уларнинг моддий-иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун кам фоизли кредит маблағлар ажратилади.

Ўтган вақт мобайнида республикамизнинг бир нечта вилоятларида ана шу муҳим жараёнга бағишланган ўқув-семинарлари ташкил этилди. Хотин-қизлар кўмиталари вакиллари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларига тарғибот ишларини янада кучайтиришлари учун йўналишлар берил-

ди. Шундан кейингина лойиҳанинг наватдаги босқичида семинар ва бизнес-тренинглар ўтказила бошланди.

Яқинда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида бир гуруҳ қишлоқ аёллари ўртасида ана шундай бизнес-тренинг ўтказилди.

Истиқболли лойиҳа



— Бу лойиҳа туманимизнинг Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Наврўз", Аргачи қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Жумабозор" маҳаллаларида татбиқ этилмоқда. Бу ҳудудларда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 83 нафар эҳтиёжманд оила аёллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада, энг аввало, ишбилармонликка ўқуви бор, кизикувчан хотин-қизларнинг иқтисодий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор, имкон берилди, — дейди Юқори Чирчиқ туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, лойиҳа бўйича туман координатори Мактуба МИРТУРСУНОВА.

— Бугунги бизнес-тренингда қатнашаётганлар 5 кишидан иборат бўлиб, 5 та гуруҳга бирлашди ва энг эътиборли томони, улар ҳамжиҳатликда бир-

бирларига кафиллик асосида кам фоизли кредитга ҳам эга бўладилар, — дея изоҳ беради мажмура ўқув семинари раҳбари, Тошкент вилояти "Микрокредитбанк" микромолиялаштириш хизматлар бўлими бошлиғи Ирода КОСИМОВА.

Ривоятда айтилганидек, бир дона чўпни синдириш осон, бир қанча чўплардан иборат боғламни синдириш эса жуда мушкул. Эътибор берясизми, қандай ибратли тажриба қўлланилганда юртимизда! Ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўхшаш бўлган 5 нафар ҳамфикр аёлдан тузилган "Ўзаро ёрдам гуруҳи"нинг умумий жамғармаси тузилади ва гуруҳ томонидан белгиланган шартлар асосида ўз аъзоларига муайян миқдорда қарз берилди. Улар биргаликда бизнес режалар ишлаб чиқишда, муаммоларни муҳокама қилишда ва уларни баҳамжihat ҳал этишди.

— Мен етти йилдан бери тикувчилик билан шуғулланаман. Фаолиятимни янада кенгайтиришни истардим, оилавий шароитим тўғри келмасди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Микрокредитбанк" ҳамкорлигида биз каби қўлида хунари бор аёлларга ўз бизнесини юритиш учун кам фоизли кредитлар берилиши йўлга қўйилаётганини эшитгач, ўзимга ўхшаган хунармандлар билан "Ўзаро ёрдам гуруҳи"га бирлашдик. Гуруҳимизда сарташорлик, тўқувчилик, чорвачилик билан шуғулланиш истагидаги аёллар ҳам бор. Ҳайлиманки, бу лойиҳа бизнинг меҳнатимизни қўллаб-қувватлаш билан бирга, янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади, — дейди "Наврўз" маҳалласида яшовчи Барно РУСТАМОВА.

Ибратли жиҳати, ана шундай семинар-тренинглар республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилиб, қўли гул хунармандлар, тадбиркор хотин-қизларга янги-янги имконият эшиклари очилмоқда.

Нилуфар САПАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири,
Тошкент вилояти.

Сурхон садолари

БЕМИННАТ ДАСТЁР

Бугунги кунда юртимизда ва дунёда содир бўлаётган янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш воситалари кўп. Аммо жуғрофий тузилиши ва жойлашувига кўра оммавий ахборот воситалари қириб бориши бир қадар қийин бўлган банд тоғли ҳудудлар ҳам бор. Денов туманининг ана шундай манзилларида яшовчи фуқароларни жаҳон ва мамлакатимиздаги турли хил янгиликлардан хабардор қилиш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда республика "Маҳалла" хайрия фондининг Денов туман бўлими раиси Менгали Мелиев шундай дейди:

— Узоқ ҳудудларда яшайдиган аҳолига ахборот ва янгиликларни етказиб бериш борасида қийинчиликлар юзага келарди. Шу муаммони бартараф этиш мақсадида туманимизнинг тоғли ҳудудларидаги ўттиз икки мингта хонадонга радиоприёмниклар тарқатилди. Шуниси яхшики, об-ҳавонинг кулай-ноқулайлиги ёки электр манбаининг бор-йўқлигидан қатъи назар, бу радиолар бемалол хизмат қилаверади.

ТЕАТР — ОИЛА ХИЗМАТИДА

Маннон Уйгур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри таниқли адиб-драматург Холиқ Хурсановнинг "Алла" асарини сахналаштирди. Драмадаги ролларни театрининг иқтидорли актёрлари муҳорат билан ижро этишмоқда. Асарда улуг инсоний туйғу — миллий қадриятларимиз, боқий анъаналаримиз, оилага, юртга садоқат ва муҳаббат баланд пардаларда очиб берилган.

"Алла"даги қаҳрамонларнинг томошабин кўз ўнгига чиройли, миллий либосларда намоен бўлиши, асар мазмунининг жозибали рамзлар, тинчликлар асносида юзага чиқиши, аллага ҳамоҳанг куй-қўшиқларнинг муносиб равишда ижро этилиши кишида ёруғ ва унутилмас таасуротлар уйғотди.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,
"Оила ва жамият" мухбири.

ҚЎЛБОЛА ДИСКЛАР ХАВФИ

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги даврда ахборот коммуникация технологиялари ҳаётимизга тобора кенгроқ кириб келмоқда. Уяли телефонлар, ноутбуклар, DVD-плеер ва шунга ўхшаш турли техник воситалар энг яқин ҳамроҳларимиз ва дастуримизга айланиб қолди, десак хато бўлмайд.

Аммо масаланинг иккинчи бир томони ҳам бор. Бундай воситаларнинг кўпайиши ёшларимиз маънавияти, тарбиясига жиддий зарар етказадиган беҳаёлик, зуравонлик ва турли диний экстремистик оқимлар гоъларини тарғиб қилувчи қўлбола дискларнинг тарқалишига ҳам хизмат қилаётгани хавотирли ҳолатдир.

Таассуфлар бўлсинки, мўмай даромад илинжида турли фильмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни яширин равишда кўпайтириб, пуллаётган ёки божхона назорати ўрнатилмаган айланма йўлар орқали юртимизга ноқонуний равишда дисклар олиб ўтишга уринаётган сохта "тадбиркор"лар ҳам орамизда йўқ эмас.

Осонгина мўмай пул ишлаб олиш илинжида турли мазмундаги дисклар қўлбола равишда кўчириб, яширинча сотаётган бундай эгри ниятли шахсларни аниқлаш ва қонуний чора кўриш мақсадида Фарғона вилоятидаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўзаро ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда фаолият юритмоқдалар. Жумладан, вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг қуйи тизим ходимлари томонидан бозорлар, автошоҳбекатлар, масжидлар ва бошқа белгиланмаган жойларда контрафакт маҳсулотлари

сотилишининг олдини олиш юзасидан назорат ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг январь ойида вилоят ҳудудида ўтказилган тадбирлар давомида 12 нафар фуқаро тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик билан шуғулланаётганлиги аниқланиб, улардан турли мазмундаги 2858 дона, жами 50 15,1 минг сўмлик аудио-видео кассета ва VCD, DVD лазер дисклар далилий ашё сифатида олинди. Фарғона тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширишда Кува туманида яшовчи Н.Равшаной ҳеч қандай ҳужжатсиз лазер дисклар билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, ундан 80 дона бир юз олти миш минг сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди ва далолатнома расмийлаштирилди.

Устомон тадбиркорлар миллиямизга ёт бўлган беҳаёлик ва андишасизликини тарғиб қилувчи порнографик фильмлар ёки ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи видеоклиплар савдосини йўлга қўйиш орқали харидорлар эътиборини тортишга уринаётган бир пайтда, ўзимиз ҳам билиб-билмай бундай сохта тадбиркорларнинг мижозига айланиб қолмоқдамиз. Ёш йигит-қизлар бундай дисклар ва уларнинг сиртига ёпиштирилган фотосуратларга маҳлиё бўлиб турганини кўрамузу, аммо парво қилмай кетаверамиз.

Д. ОРТИҚОВ,
Фарғона вилоят
ДСБ бўлим бошлиғи.

Огоҳ бўлинг!

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилётгани, ёшларнинг ўқиши, билим олиши, спорт, санъат, маданият ва илм-фанда ўз салоҳиятларини намойиш этишлари учун жуда катта имкониятлар яратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай эътибор ва ғамхўрликлардан оқилона фойдаланиб, нафақат юртимиз ёки Осиё китъасида, балки дунё миқёсида ҳам улкан муваффақиятларга эришаётган ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Аммо дунёга тобора кенг тарқалиб бораётган "оммавий маданият" нисқоби остида узоқни кўролмайдиган, соддадил ёки лақма одамларни ўз ортидан кўр-кўрона эргаштираётганлар ҳам йўқ эмас. Улар маънавий қашшоқлик ва гиёҳвандлик ботқоқига ботишмоқда. Гиёҳвандлик эса ёш авлоднинг саломатлиги, келажига ва ҳаётига хавф туғдирувчи иллат ҳисобланади. Унинг пайини қирқиш, ёшларимизни бу офат чаңғалидан омон сақлаш учун республикамизда қўллаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Гоҳ тўқликка шўхлик қилиб, гоҳ ҳар хил ёлғонларга учиб, алданиб, бир лаҳзалик кайфу сафо умидида бундай захри қотилни истезмоқ қилишга одатланаётганлар кейин ундан ҳалос бўла олмайд юришади. Бу офат инсон саломатлигини аста-секинлик билан емириб боровчи иллатдир. У биргина одамнинг умрига зомин бўлибгина қолмай, унинг фарзандлари тақдирига ҳам қора солади. Улардан туғилажак болалар жисмоний ва руҳий жиҳатдан мажруҳ бўлиши тиббиёт томонидан

аллақачон исботланган. Сурункали гиёҳвандликка берилганларнинг аксарияти 30 ёшгача ҳам яшамайди. Бу бало инсон организмиде ОИВ/ОИТС, вирусли гепатит ва бошқа хавфли касалликлар уя қиришига замин яратди. Унинг оқибати фақат ўлим билан тугайди. Гиёҳвандликка қўл бўлаётган кимсалар оила, маҳалла ва жамият учун зарарли шахсларга айланишади. Гиёҳвандлик моддаларини қўлга кириштириш мақсадида жиноятга қўл уриш — қотиллик, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, фирибгарлик каби ижтимоий иллатлар илдирилади. Оқибатда оилалар барбод бўлади. Гиёҳванд шахслар эса бутунлай бефарқ ва манқурт кимсаларга айланишади. Шу боис ҳам гиёҳвандлик инсоният учун хавфли ва оғир оқибатларга олиб келадиган ижтимоий офат сифатида барча даврларда қораланган.

Шу боис ҳам юртимизда бу борада кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллаларда, мактаб, коллеж ва лицейларда олиб борилётган тушунтириш ишлари албатта эътиборга лойиқ. Шу билан бирга, бу жараёнда энг аввало, оилалар билан ишлашни ниҳоятда кучайтириш лозим. Чунки ҳар бир ота-она фарзандини зийраклик билан назорат қилса, дўсти-дугонаси кимлигини, кимлар билан мулоқотда бўлаётганини обдон сўраб-суриштирса, юқоридаги каби қўнғилсиз ҳолатлардан дилбандларимиз ҳимояланиши аниқ. Ахир, ҳеч бир инсон онадан гиёҳванд бўлиб тугилмайди-ку. Фарзандларнинг соғ-саломат дунёга келиши, униб-ўсиб жамиятда ўз ўрнини топиши бизларга боғлиқ.

Зулфия НИЗОМИДДИНОВА,
Тошкент шаҳар Шайхонтохур
тумани ДНИ нотариуси.

«**Ҳаёт учун!**»

Валижон Шамсиев:

— «Ҳаёт учун!» хайрия марафони эзгу мақсадни кўзлаб ташкиллаштирилмоқда. Кўкрак беги саратонига қарши курашиш ва уни даволаш фақат шифокорнинг вазифаси деганлар янглишади. Аввало, ҳар бир инсон ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши, вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб туриши лозим. Бу хасталик аслида бедаво эмас. Уни барвақт аниқлаб, олди олинса, муаммо бартараф этилишини ҳаммамиз биламиз. Лекин барибир бепарволик қиламиз. Ўтган йили Фонд Форум томонидан кўкрак беги саратонига қарши курашиш мақсадида хайрия марафони доирасида футбол ўйинини режалаштиришгаётганини эшитиб, жуда хурсанд бўлгандим. Рақиб жамоа билан алоҳида-алоҳида машғулотлар ўтказдик. Ўтган йилнинг 23 апрелида «JAR» стадионида ташкил этилган «Ҳаёт учун!» хайрия футбол ўйини чиройли голлар, кутилмаган ҳолатлар ва хавфли вазиятларга бой бўлганини биласизлар. Бу йил таниқли ҳофиз, хонанда, кизикчи ва актёрлардан Озодбек Назарбеков, Шукрулло Исроилов, Алишер Узоқов, Жаҳонгир Позилжонов, Улугбек Раҳматуллаев, Алишер Файз ҳамда «Зарба», «Сахро», «Уммон» гуруҳларидаги йигитлар билан махсус мураббийлар раҳбарлигида астойдил шугулланяпти. Томошабинлар ўйин давомида албатта кизикarli ва кутилмаган воқеаларга дуч келадилар. Биз мурувватли ва серҳимат халқнинг фарзандларимиз. Кўкрак беги саратонига чалинган аёлларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимизга қўйилган ташхис ҳукм эмас, унга қарши ҳаммамиз баҳамжиҳат курашсак, албатта, енгамиз.

В.Шамсиев: — Бу йил жиддий тайёрланяпти. Эҳтиёт бўласизлар-да.
О.Муталхўжаев: — Зўрлар майдонда билинади, ака.

Бугунги кунда кўкрак беги саратони хасталиги ер куррасидаги барча мамлакатларнинг энг оғирли муаммоларидан бири ҳисобланади. Дунё мамлакатларида бу хасталик билан курашиш чоралари кўриляпти.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси, «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Гулнора Каримова ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, кўкрак беги саратонининг олдини олиш мақсадида уюштирилаётган «Ҳаёт учун!» хайрия марафони ҳамюртларимизни ўз атрофида тобора маҳкамроқ жипслаштирмақда.

Апрель ойида ўтказилиши режалаштирилаётган ушбу хайрия лойиҳасига ҳар биримиз ўз улушимизни қўшишимиз керак. Зеро, онамиз, опа-сингилларимиз, келин-қизларимизнинг саломатлиги барчамиз учун бирдек муҳим. Шу мақсадда Фонд Форумнинг матбуот маркази билан ҳамкорликда «Ҳаёт учун!» деб номланган янги руқ ташкил этдик. Унда таниқли шифокорлар, олимлар ва машҳур санъаткорларнинг шу мавзудаги фикр-мулоҳазалари ҳамда бу ибратли лойиҳа ҳақидаги кизикarli ва муҳим янгиликлар билан танишиб боришингиз мумкин.

Ўтган йили «Ҳаёт учун!» хайрия марафони доирасида футбол-шоу ўтказилгани ҳалиям кўпчиликнинг эсида. Шу кунларда санъаткорлар бу йилги беллашувларга астойдил ҳозирлик кўришмоқда. Бугун икки рақиб жамоа аъзолари — Валижон ШАМСИЕВ ҳамда Отабек МУТАЛХЎЖАЕВни тахририятимизга таклиф этдик.

БЕЛЛАШУВ БОШЛАНЯПТИ: КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

«Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси васийлик кенгаши раиси Гулнора КАРИМОВА ташаббуси билан 2010 йилдан бери ўтказиб келинади. Аввало 5 000 дан ортиқ киши иштирок этган бўлса, 2011 йили иштирокчиларнинг умумий сони 33 000 кишидан ошиб кетди. Бу сафар уларнинг сафи имконияти чекланганлар билан кенгайди. Хайрия форум-марафонида тушган маблағнинг бир қисми айнан уларга кўмак учун сарфланади. 2012 йилда марафон 60 000 кишини бirlаштирди, улардан 20 000 киши Тошкент шаҳар босқичи иштирокчилари эди. Ўтган 3 йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 100 000 дан ортиқ одам марафон иштирокчисига айланди.



Мини савол-жавоб:

— Бугунги рақибингиз ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик...

Валижон Шамсиев:

— Отабекни кўпқиррали ижодкор дейишади. Бошқаларни билмадим, мен сочининг қиррасига қойил қолардим. Албатта, бу ҳазил, унинг самимийлиги, тиришқоқлигини жуда қадрлайман. Ижодига барака тилайман.

Отабек Муталхўжаев:

— Валижон акани устоз сифатида ҳурмат қиламан. Биринчи марта фильмда суратга туширилганда менинг яъни Оловдиннинг тоғаси ролини ижро этганлар. Тасвирга олиш жараёнида маслаҳатларини сира аямаганлар. Ҳамиша, ҳаммага кўтаринки кайфият улаша оладилар.



Халқимиз одабийликни қадрлайди. Ота-онага, катталарга ҳурмат, ёшларга иززат билан қараш, одамларга яхшилик улашиш каби инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади. Мустақиллик йилларига келибгина жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари қаторида оила институтининг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида эътибор бериб келинмоқда.

Энг асосийси, юртимизда оила маънавияти билан боғлиқ ҳуқуқий пойдевор яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган ва шу асосда Оила кодекси ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Мамлакатимиз мустақиллигини мус-

ВАТАННИ АНГЛАШ САОДАТИ

таҳкамлаш биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, маънавий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуқлигига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукамал англаб олганлигига бевосита боғлиқ. Эркин фикрлай оладилар, дунёқараш ва тафаккури кенг, маънавияти бой авлодди вояга етказишимиз давлатимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун жуда муҳим. Ёшларнинг интеллектуал қобилияти ва имкониятларини юзага чиқариш муаммоси, уларни маънавий камол топтириш, меҳнат фаолиятида шахсий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш Ватан тарққети эҳтиёжларини англаб яшашга, самарали меҳнат қилишга ўргатиш, ижтимоий фаоллигини ошириш оила, мак-

таб ва маҳалла олдидаги энг муҳим вазифалардандир.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат раванқининг энг асосий шарт ва гарови деб билган. Эслийлик, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган эди. Маънавият инсоннинг қон-қони, суюқ-суюғига йиллар давомида она сuti, оила тарбияси, аждодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Инсоният тарихига назар ташласак, маъ-



Отабек Муталхўжаев:

— 2010 йилдан бери ўтказиб келинаётган «Ҳаёт учун!» хайрия марафонининг аҳамияти жуда катта. Мазкур тадбирда кўкрак беги саратони хасталигига қарши курашиш ғоясини кўллаб-қувватлаганлар, ўзининг, яқинларининг ҳаётига бефарқ бўлмаганлар, саломатлик ҳамда гўзаллик тарафдорлари иштирок этадилар. Ёши, жинси, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, иштирокчилар белгиланган масофа бўйлаб оммавий тарзда югурдилар. Қизикarli ҳамда кенг қамровли тадбирлардан бири бу албатта футбол хайрия ўйинидир. Кутилмаган тасодифларга бой, қизикarli ва томошабоп ушбу лойиҳа иккинчи мартаба ўтказилаётган бўлсада, атрофига минг-минглаб иштирокчиларни тўплай олди. Биз футбол ўйинида иштирок этиш билан бирга янги дўстлар ҳам орттиряптиз. Кўз-кўзга тургани сайин, санъаткорлар ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатлар мустаҳкамланаяпти. Мен бу йил ҳам ўнг қанот химоясидида тўп сураман. Биз иккита жамоага бўлиниб беллашсак-да, аслида мақсадимиз, йўлимиз бир. Куч бирликда, деб бежизга айтишмаганда! Бундай касалликлар хотин-қизларимиз ҳаётга чанг солмасидан аввал биз соғлом рақобат, бирдамлик ва ҳамжиҳатликда унинг олдини олишимиз керак. Ўз вақтида қилинган муолажалар сабаб хасталиқдан бутунлай тузалган аёлларнинг дил сўзлари ёзилган видеороликларни кўрсам, қувониб кетаман. Демак, касаллик чекиняпти. Уни енгишга бўлган ишонч, яшашга кучли иштиёқ мазкур хасталикни мағлуб қила олади. Зеро, руҳий мадад инсондаги ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, курашга, яшашга ундайди.

«Оила ва жамият»
муҳбирлари
Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА,
Барно МИРЗААҲМЕДОВА
ёзиб олди.

Бебаҳо бойлик

навият — ҳар бир шахснинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрати манбаи эканини билиб олишимиз қийин эмас. Бу бебаҳо бойликни юксалтирмай туриб, одабийлик, меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш амри маҳол. Инсон маънавияти эса энг аввало оилада шаклланади. Шу боис ҳар биримиз ўз хонадонимиздаги барқарор муҳитни соғломлаштиришга интиломимиз, вояга етаётган фарзандларимизнинг ҳар тарафлама билими ва салоҳиятли ва юксак маънавиятли бўлишлари учун бор куч ва имкониятимизни сарфлашимиз керак.

Маъмура КАЗАКБАЕВА,
Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси.

— Дилдорахон, суҳбатчи-мизни «Бевафо дунё» қўшигини куйлаб илк маротаба ойнаи жаҳонга чиққан пайтларингизни эслашдан бошласак...

— Машаққатли санъат йўлини танлаган маҳалларимдаёқ биринчи навбатда ўз олдига маъно-мазмунга бой қўшиқлар ижро этишни мақсад қилиб қўйган эдим. Балки, ким билади, ўша қўшиқ орқали зукко шинавандалар қалбига йўл очилгандир. Ушанда устозларнинг айтган самимий фикрлари мени илҳомлантирган. Кейин отам Султонмурод Ниёзовнинг ёрдами билан «Бевафо дунё» деб номланган қалдирғоч альбомимни чиқардим. Продюссер Тохир Эргашев ҳамкорлик қилиш таклифини билдиргач, отам у кишига «Қизим ўзбекчилигимизга тўғри келмайдиган кийимлар киймаса розиман», деган шартни қўйган эди...

— Биласиз, санъаткор аҳли истас-истамас, ҳамини эл назарида бўлади. Айниқса, аёл хондаларнинг юриш-туриши, кийиниши, ўзини қандай тутишига қизларимиз тақдир қилгиси келади. Шу ҳақдаги фикрларингизни эшитасан?

— Қўшиқчининг нафақат кийиниши, салом-алиги, балки ўзини тутиши, қандай фикрлаши, одамлар билан муомала-мулоқоти ҳам ниҳоятда муҳим жиҳат деб биламан. Чунки яширмайман, бугунги ёшларнинг кўпчилиги кўпроқ хондалардан андоза олгиси келади. Ҳатто уларнинг яхши-ёмон томонларини ўзлари билмаган ҳолда ўзлаштириб ҳам олади. Шунинг учун, ўйлайманки, биз яхши ижрочи бўлиш билан бирга, ўзимизнинг инсоний фазилатларимиз билан ҳам бошқаларга намуна бўлишга ҳаракат қилмоғимиз керак. Шахсан мен, ҳар томонлама талабчан мухлисларимни ўзимга ярашмаган ажабтовур кийим-кечак, бачкана овоз билан эмас, сермаъно, халқчил қўшиқларим билан лол қолдиришни истайман. Менинг хондиларимни эшитганлар, марҳамат, ўйга толсин, ҳаётнинг пасту баланд қирраларини англаш орқали ҳамини яхшилик ҳар бир инсон учун ойна вазифасини ўташни тушунсин. Очиғи, авваллари кийинишга унчалик эътибор бермасдим. Одамларга хуш ёқадиган қўшиқлар айтсам бўлди-да, деб ўйлардим. Ҳозир эса саҳнага чиқадиган олдин қандай либос танлаш ва ўзини қандай тутишни кераклиги ҳақида кўпроқ ўйлайман. Мухлислар сизнинг чиройли ижроингиздан ташқари, гўзал феъл-атворингизни ҳам қадрлашини энди тушундим. Бу масалада онам ва турмуш ўртоғим энг талабчан маслаҳатгўйим, тўғрироғи, танқидчиларим десам янглишмайман.

Айниқса онам жуда қаттиққўл. Бир қуни катта тантанга шим билан калта (тоника) кўйлак кийиб чиқиб кетаётганимни кўриб қолибдилар-да. Қайтиб келганимдан кейин кўйлакни ечиб қўйсам, ишонасизми, шартта ёқиб юбориди. Менимча, ҳамма нарсада ҳам меъёр бўлгани яхши.

— Нима деб ўйлайсиз, кейинги пайтларда оммавий тарзда севги-муҳаббат мавзусини қўйлашга берилиб кетиш бу илоҳий туйғунинг улуглигига соя солмаяпти-

Соҳирнафас хонанда Дилдора Ниёзова санъатни саодат, оила-ни эса энг муқаддас маъво деб билгучи инсонлардан бири. Унинг ижросида янграган қўшиқлар мухлислар кўнглига ўзгача кайфият, шуқуқ бағишлайди.

Дилдора НИЁЗОВА:

АЙТИЛМАГАН ҚЎШИҚЛАРИМ ЮРАГИМДА!

микан?

— Эслайлик, ўзининг яратган гўзал ва халқона ашула-қўшиқлари билан халқимиз юрагидан муносиб жой олган санъаткорларимиз жуда кўп. Агар англишмасам, машҳур шоирлардан бири муҳаббатнинг ўзи асли эски эканини, лекин бу нодир туйғу ҳар бир юракда янгилалинини жуда чиройли қилиб тасвирлаган эди. Шундай экан, куйлаш билан куйлашнинг, овоз билан овознинг, энг асосийси, ижодий ёндошувнинг албатта фарқи бор. Майли, севги мавзуси битилган яхши бир шеърни маҳорат билан қўшиқ қилсин, аммо бошқалар оҳанги ва хатто овозига тақлид қилмаган ҳолда айта олса, отасига раҳмат дейди шинавандалар ҳам. Менинг ўзим ҳам агар яхши қўшиқ эшитиб қолсам, чин дилдан яйраб кетаман. Узига хос овоз соҳиби кириб келаётганидан суюнаман. Санъат ҳам катта қарвонга ўхшайди. Кимки, бу қарвон сафига яхши ният, тоза юрак билан қўшилган бўлса, ўткинчи ҳою-хавасларга берилмай, бу йўлни тақдир деб билса, албатта эртаси кулади.

— Кўпчилик мухлис-ларни сиз ижро этган шўх ва ўйноқи оҳангларга йўғрилган «Оғанглар ишонма» қўшигини яратилиш тарихи қизиқтиради.

— Очиғи, бу қўшиқ ҳали мухлисларга тақдим этилма-сиданоқ жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Уни мендан олдин хоразмлик бир йиғит ижро этган экан. Шеър матнини ўзбекчалаштириб, ўз йўналишимга мослаштирдим. Бошида бироз чўчидим. Аммо бизлар кутмаган даражада омалашиб кетди. «Оғанглар ишонма» ўйноқи оҳангда айтилган бўлса-да, аммо унинг замирида катта маъно-мазмун ётибди. Айниқса, унинг ёшлар, қизлар тарбиясида жиддий таъсири бор десам, муболага бўлмайди.

— Аналик, келинлик, бекалик ва санъат... Қайси бир вазифани урдалаш сизга завқ бағишлайдию, қайсиниси катта масъулият талаб қилади?

— Мен ўзимни оилам даврасидагина хотиржам ҳис қиламан. Мазали таомлар пишириб, умр йўлдошим, фарзандим билан бир дастурхон атрофида ўтириш, сайрга чиқишни яхши кўраман. Отанами, қайнона-қайнотамни, яқинларимни тез-тез йўқлагим келади. Шу билан бирга санъатни ҳам бахтим, ёруғ саодатини деб биламан. Ижодда ҳам,

оилада ҳам ўз ўрним, мавқеимга эга бўлишни истайман. Лекин, яширмайман, бу икки масъулиятли вазифани урдалаш фақат менинг ўзимга оғирлик қилади. Турмуш ўртоғим Латифжон Юнусов инсоний фазилатларга бой бўлгани учун ҳар доим мени тушунишга ҳаракат қилади. Албатта ҳар бир оилада тортишувлар, тушунмовчиликлар бўлиши табиий. Уларсиз ҳаётнинг ҳам қизиги йўқ-да. Баъзан таллашиб-тортишиб тураман. Санъаткорман, ўзимга яраша инжиқликларим бор. Лекин



кўнглим жуда бўш. Кечиримлиман. Оиламиз тинчлиги, фарзандимиз бахти учун турмуш ўртоғим билан бир-биримизни тушуниб яшашга ҳаракат қиламан. Фарзандим Жаҳонхўр тўрт ёшда, боғчага борапти. Ҳозирча мендан оналик меҳридан ортиқ нарса талаб қилмайди. Аммо имконим етганича унинг тарбияси билан жиддий шуғулланишга ҳаракат қиламан.

— Бошқа санъаткорларга қараганда реклама шоуларида кам кўринасиз?

— Ҳар бир ижодкор ўз санъатини халққа кўрсатгиси келади. Имкони бўлса матбуотда, реклама шоуларида тез-тез кўриниб туриш керак. Лекин мен аёлман. Баъзида вақтим бўлади, баъзан йўқ. Оилавий шароитим, имкониятига қарашга мажбурман. Балки шоу бизнесда биринчи рақамли санъаткор бўлолмасман, лекин ўзимга яраша мухлисларим бор. Санъаткор изланишдан тўхтадимми, мухлислар эсламай қўяди. Менда ҳам бир пайтлар, энди ҳаммаси тугади, бошқа қуйлолмасам керак, де-

ган изтиробли ҳолатлар бўлган. Аммо Яратган ато этган истеъдодни чеклаб қўйиш қийин. Ўзимни ҳадеб реклама қилишга қизиқмайман. Шахсан менинг назаримда яхши қўшиқ рекламага муҳтож эмас. Шу кунгача саккизта альбомим чиқди. Аммо ҳали айтилмаган қўшиқларим бир дунё — юрагимда.

— Устозларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бастакор Алишер Икромов менга ҳам санъат соҳасида, ҳам инсонийлик фазилатлари билан ўрнатилган келадиган. Зокир Отабоев ҳамда раҳматли Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобуловадан ҳам анча-мунча сабоқлар олганман. Саодат опадан нафақат санъаткорлик сифатларини, балки аёл, она, бекалик сирларини, одамлар билан қандай муомала қилишни ўргандим. Санъатга энди кириб келган пайтларим ёш, шошалоқ бўлганман. Алишер ака «Сен қачонки, ўзинг қўйлаётган қўшигингга яшамас экансан, мухлислардан меҳр кутма», дердилар доим. Эътибор беряписи, нақадар аччиқ ва ширин ҳақиқат бу!

— Оила ҳам саҳнага ўхшайди. Сизнингча, уйда бош қаҳрамон ролини ким ижро этиши керак?

— Албатта эркак-да! Бизнинг оиламизда ҳал қилувчи қарор отам томонидан айтилган. Бирорта муаммо туғилса, дарров онамга айтардим. Отанг билан гаплашиб кўрай-чи, нима деркин, деган жавобни эшитардим. Уша муаммо ҳал бўлганича дадам нима деган экан деб онамнинг оғзини пойлаб, ўйлаб юрардим. Аёл хондалар ҳақида гап кетса, айримлар улар ўз хонадонда устунлик даъво қилади деб ўйлайди. Бошқаларни билмадим, лекин бу саҳнада мен мухлисларим учун санъаткорман. Уйда эса оддий бир аёлман. Аёл зоти энг аввало, эркакнинг меҳр-муҳаббатидан, севги ва эҳтиромидан куч олади.

— Гурунгимиз ниҳоясида ўз мухлисларингизга тилаларингиз.

— 2013 йилга Юртбошимиз «Обод турмуш йили» деб бежиз ном бермадилар. Азалдан шундай, ҳар бир инсон аввало, ўз уйда, миттигина гўша-сида бахтли бўлолсагина, жамиятда, Ватанида ҳам саодатманд, толеи баланд бўлади. Менинг ниятим, ҳар бир хонадонда ободлик, хотиржамлик, шукроналик барқарор бўлсин. Обод юрtdа кўнгли ва қалби обод одамлар яшайди. «Оила ва жамият» муҳбири Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.



ЭНЧИ — қадимда ота ҳаётлигида фарзандига ўз мулкидан ажратиб берган улуш тилимизда «энчи» сўзи билан ифодаланган. «Энчи» сўзи «тақсимлашда теккан улуш» деган маънони англатган.

Менинг ўзимнинг энчи отим ҳам Бойчибордан кам эмас.

«Ёдгор» достонидан

«ОВЛОҚ» ВА «ОВ» — баъзи манбаларда «ов» сўзининг туб маъноси «ҳийла», «ёлғон» деб изоҳланган. Айрим манбаларда эса, «ов» сўзи «бевафо», «душман тарафга сотилган», «қарорсиз» деган маъноларни англатиши ҳам таъкидланган. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да эса, «қуш, балиқ, ҳайвонни тутиш қуроли» «ов» сўзи билан ифодаланганлиги айтиб ўтилган ва «овлоқ» сўзи ҳам «ов қилинадиган жой» маъносини билдириши таъкидланган.

Ҳар бир овчи ов учун овлоқ жойни излаб юради.

Журналдан

РАВОҚ — тилимизда бинонинг олд томонидаги пештоқ ва устунлар билан безатилган кўркам қисми «равоқ» сўзи билан ифодаланади. Ҳўш, бу сўзнинг туб илдизи қандай мазмунга эга бўлган? «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, «равоқ» сўзининг туб илдизи «ёқимли бўлди» деган маънони англатган.

Бокқа қирилгандан кейин тўғридаги янги ўрданинг дарвозаси, муҳташам тоқ ва равоқлар кўзни қамаштиради.

Абдулла Қодирий

МУХЛИС — тилимизда «бирова ихлос қўйган» деган мазмунни ифодалайдиган «мухлис» сўзининг туб илдизи «самимий муносабатда бўлди» деган маънони билдирган. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, «мухлис», «ихлос», «халис», «халос» сўзлари битта илдиздан ўсиб чиққан.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

“Оила муқаддас” деганимиз билан унинг ўрни ва нуфузи бирданига ошиб қолмайди. Аслида ана шундай улуғ номга сазовор бўлмоқ учун сув ва ҳаводек зарур бўладиган омиллар керак. Энг аввало, каттаю-кичикка ҳурмат, поқлик, оқибатлилик, ўзганинг ҳақидан кўрқиб, меҳнатсеварлик каби ўнлаб хислатлар ҳар биримизда мужассам бўлмоғи шарт.

АРШУ АЪЛО ЛАРЗАГА КЕЛМАСИН

...Бир воқеа кўз ўнгимда муҳрланиб қолган: ўшанда туман судида мажлис котибаси вазирага ишга қабул қилинган эдим. Эр ажралиш ҳақида судга ариза билан мурожаат этган. Хотини кўлидаги бир яшарлар чамаси қизчасини кўксига босганича юм-юм йиғлайди. Марҳум устозимиз — судья Зокир Ялғашев мажлисда фуқаролик ишини кўрар экан, қандай қилиб бўлсада, бир оилани сақлаб қолиш мақсадида ўз тажрибасини ишга солди.

Эр-хотинга ярашиш учун қайта-қайта муҳлат берилди. Йигит оилани тиклашни хоҳлаганини айтиб, сўзида туриб олди. Никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида суд қарори ўқилди. Қайсар йигит аёлига, “Кўрдингми, нималарга қодирман” дегандек кўзларида кибри кувонч билан эшик томон йўналди. У оила деган муқаддас даргоҳни барбод этганлигини, боласини ота меҳридан, эркалшаридан маҳрум қилиб кетаётганлигини ҳис этмасди. Аёлнинг гўё ўрнидан кўзгагинаш мажолли йўқдек. Мурғакча қизалок эса кўнчаларини чўзганича отасининг ортидан йиғлаб қолаверди...

Кейин ҳам шу қизчани кўча-кўйда кўп учратдим, унинг кўзларида қандайдир мунг, тўғрироғи, отанинг меҳр-муруватига ташналик, ичкиш муҳрланиб қолгандек эди...

Йиллар ўтиб, ўзим ҳам судья бўлдим. Шу каби оилавий муаммоларни кўриш масъулияти менинг ҳам зиммамга юкланди. Оила доимо давлат муҳофазасида, ҳимоясида эканлигини чуқур англаганим, ҳис этганим холда, ҳақиқат олдимга бир мақсадни кўйиб, ишни шу нуқтаи назардан кўришга ҳаракат қиламан: турмушни тўзгитиб юборишга, имкон қадар рўзгорларининг бутлигини, оила мустақамлигини сақлаб қолишга уринаман. Қаерда оила хусусида учрашув, тадбирлар бўлса, бориб иштирок қилишга, ичимдаги гапларимни тўкиб солишга шошиланман. Менинг назаримда оила бир муқаддас саждагоҳ, уни барбод қилиш у ёқда турсин, ҳатто шаънига бўлмағур гап айтишга ҳеч кимнинг ҳадди сигмаслиги керак. Уни ёмон кўзлардан асрашимиз

шарт. ...Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги фуқаролик ишларини ўргана эканман, баъзан майда-чуйда иқир-чиқирлар, ён атрофдагиларнинг, оила аъзоларининг



таъсири, турли миш-мишлар сабаб ҳам гулдек оилаларга дарз кетаётганлигига ачинаман. Гоҳида ҳаёт тажрибаси кам ёш эр-хотиннинг оиласини тиклашга уринаётган пайтингизда ёши қирқдан ошиб қолган айрим эр-хотинларнинг “характеримиз (муроамиз дейишмоқчи) тўғри келмаяпти”, “рўзгоримизга қариндош уруғлар аралашаяпти”, каби арзимас сабаб, вазлар билан ажралиш учун суд эшигини қоқишни холатлари ҳам учраяпти. Бу эса ҳаётга ниҳоятда енгил қарашнинг оқибатидан бошқа нарса эмас.

Тасаввур қилинг-а, эрта-индин ўғлингиз уйланадиган, қизингиз турмушга чиқадиган бўлиб турсаю, сиз “ўзингиз учун” тинч яшашни хоҳлаб қолсангиз. Бу худбинлик эмасми?! Бу ҳолат ўсмирликни бошидан кечираётган фарзандингизга қандай таъсир қилади? Бу ҳақда ҳам ҳеч ўйлаб кўрдингизми?! Болаларингиз жудаёя ёш, мурғак ота-онасининг меҳрисиз, эркалашисиз, умуман сезларсиз ичкиби қоладиган ёшда бўлса-чи?!

Эртага қизингизга совчи келади, ўғлингизга қиз ахтариб бировнинг эшигини қоқасиз. Аввал онасини кўриб, қизини ол, қизингни узатишда уруғ-аймоғини суриштири, йигитнинг ота-она-

Кузатув

си ким, деган ўринли, аммо аччиқ сўровлар бўлади. Айнан ана шундай пайтда ўз тинчгинини ўйлаб эр-хотин ажрашганингиз фарзандингизнинг келажагига қора кўланка ташлаганлигини ҳис этасиз-у, аммо кеч бўлади.

Бизнинг вилоятимизда 2011 йилга нисбатан 2012 йилда ажралишлар сони камайди. Бироқ ачинарлиси шундаки, судда никоҳдан ажралишганлар ўртасида камида бир-икки нафардан вояга етмаган фарзандлари бор.

Судья Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасига асосланиб, “Никоҳдан суд тартибида ажратиш” масаласини кўрар экан, унинг иккинчи банди асосида эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Бу муҳлат мобайнида жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, МФЙ, ҚФЙ, маҳалла фаоллари, маҳалла маслаҳатчилари, қариндош-уруғ, кўниқўшиллар оилани сақлаб қолиш учун тажрибасиз, ёш эр-хотиндан бисотларидаги бор панду насихатларини аямасликлари ва ҳар иккала томоннинг манфаатлари, ҳуқуқлари, қарашларига адолат ва ҳурмат билан қараб, одилона, ҳолис баҳолаб, ўғит бермоқлари лозим. Муқаддас динимизда ҳам “Бир оиланинг бузилишидан аршу аъло ларзага келади” дея бежиз таъкидланмаган.

Бугун аёл ақл-тафаккури ва маънавий дунёсига жуда кўп нарса боғлиқ бўлиб қолди. Ҳатто оилада ота маълум муҳлат маблағ тополмай, рўзгорга қарашолмай қолган ҳолларда ҳам ўзбекнинг аёли отанинг оиладаги обрўсига пугур етадиган ҳеч қандай хатти-ҳаракат содир этмаслиги, аксинча, болалари олдида уни маънавий қўллаши даркор. Ақл-фаросатли аёл болаларга ота-онага нисбатан меҳр-оқибат руҳини сингдиради. Чунки бу ўғил-қизлар келажақда оила бошлиғи ёки оиланинг оқила бекаси бўлиб етишиши учун ҳозирдан рўзгордаги иқир-чиқирларга, ҳаётнинг аччиқ-чучугига, машаққатли сўқмоқларига бардошли бўлиб тарбияланиши шарт. Аёл турмуш ташвишларида сусткаш эркакни ҳаракатчан ва дадил бўлишга унда, унда янгиқа фикрлар, фазилатлар туғилишга кўмаклашса, тез орада рўзгорга барака кириши шубҳасиз. Зеро, эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин деган нақл бежизга айтилмаган.

Ибодат ШОЙМАРДОНОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Навоий вилоят суди судьяси.

Маҳалла ҳаёти

ЮРТНИНГ ОБОД ГЎШАЛАРИ

Бугун юртимизнинг қайси бир худудига борманг, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига гувох бўласиз. Ҳатто чекка қишлоқ, овулларда амалга оширилаётган ишлар ҳам одамни севинтиради.

Оққўрғон туманида жойлашган “Жағайбали”, “Кўрғонча” маҳалла фуқаролари йигинларида ҳам баҳорги тайёргарлик ишлари қизгин кечмоқда.

— Қаерда тотувлик бўлса, шу ерда файз-барака бўлади деганлари рост экан. Маҳалламизда икки ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладошларимиз деҳқончилик, чорвачиликни ҳадисини олишган, — дейди маҳалла котиби Инобат опа Умарова. — Беш юзта хонадоннинг деярли барчасида қора мол, товук парваришланади. Сут-қатик, гўшт ва тухум узилмайди. Ҳатто кичик-кичик томорқалардан ҳам унумли фойдаланишди. Ҳовлиларга кеч кузда экилган пиёз, саримсоқпиёз ва кўкатлар ям-яшил бўлиб бўй тортиб, кўрган кўзини қувналади. Зокиржон Амиров, Саҳобат Нурматовалар ташкил этган иссиқхонада помидор, бодричлар қишда етиштирилмоқда. Маҳалладошларимизнинг тиниб-тинчмаслиги, ҳаракатчанлиги туфайли яшаш тарзими ҳам яхшиланиб бормоқда. Эски, лойсувоқли уйлар ўрнида замонавий иморатлар қад кўтармоқда.

Одамларнинг меҳр-оқибатли экани ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Беморларни йўқлаш, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалардан хабар олиш билан бирга уларга ҳомийларни бириктириб қўйганмиз. Аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни тўғри йўлга қўйиш учун тиббий кўриқлар ўтказаямиз. Оилалардаги келишмовчилик ёки келин-куёвларнинг “эркалик”лари бўлса, кайвониларимизни “тез ёрдам”га чақирамиз. Бундай масъулиятли ишда маҳалламиз онахони Маҳбуба опа Бегимкулованинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

— Мен фаолият юритаётган “Кўрғонча” маҳалласида ҳам



шу каби ибратли ишлар олиб борилмоқда, — дейди, маҳалла маслаҳатчиси Лобар опа Файзиёва. — Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ободонлаштириш, санитария холатларини яхшилаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Маҳалламиз аҳолиси сони уч мингга яқинлашди. 665 та оиланинг ўзига яраша пасту баланди бор. Маҳалламизнинг ҳурматли онахонлари ва жамоатчилик асосида ёшлар иштирокида турли мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари ўтказаятганимиз ўз самарасини бермоқда. Бу худудда жиноятчилик, ажрим, фоҳишабозлик каби салбий холатларга чек қўйилган. Тўй-маъракалар, маросимлар тартибга солинган. Никоҳдан аввалги тиббий текширувларга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Маҳаллий тадбиркорларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳалламиз янада ободонлашиб бормоқда.

Нигора УРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Гўзаллик саломига тайёрлаш — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо кутли ва саватлар ясаш — 2 ой, Бисердан гуллар, дарактлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Кўйил киний бозори рўпарасида. Тел: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДҲР ДУНЁ

Пулини ўйлаб сарф қилмоқ ярим фойдадир.

Ҳасан БАСРИЙ

Бошқа кишининг моли кўлингизда бўлса ҳам, сеники ҳисобланмайди. Чунки у қайтарилади.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Билинги, банд ахшиларнинг даражасига азиятлар ва машаққатларга сабр қилиш билан эришилади.

Абу Лайс САМАРҚАНДИЙ

Ўғилгинам, тотимағил бахил понидан,

Узоқ бўл, бахилнинг дастурхонидан.

Фариддин АТТОР

Мутахассисларнинг фикрича, дунё миқёсда улкан муваффақиятларга эришган инсонларнинг деярли барчаси бундай ютуқларга фақат ва фақатгина мустахкам иродаси туфайлигина етишган. Қолаверса, инсон бошқа жонотлардан ақли, тафаккури билан бир қаторда сабрбардоши билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Нафақат ҳаётдаги омад, балки оддий кундалиқ турмушда, оилада, ишда ҳам бу «кўринмас куч»га кўп бора мурожаат этаверамиз. Ва ақсинча, ҳаётини муаммоларни енгиб ўтишда энгил-елпи, нотўғри йўл танлаганлар ҳақида «Аттанг, иродасизлик қилибди-да», дея таъна қиламиз. Умрнинг паст-баланд сўқмоқларида адашган, ўзининг мустақил фикри-қарашига эга бўлолмаганлар, у хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, албатта бундай синовларга бардош беролмай, энгилгани ҳақида кўп марта эшитамиз.

Яхшиси, бугун нафақат ўз обрўси, шаъни, балки биз муқаддас деб билган оилага ҳам иснод келтираётганлар хусусида мулоҳаза юритмоқчимиз.

АЁЛ ШАЪНИ МУҚАДДАС, ИРОДАСИ-ЧИ?

Қочиб кетиш — сўнги йўлми?

...«Отаси ўқишга боришига рухсат бермаган, қизи уйдан қочиб кетибди!» Бу хабар бугун қишлоққа яшин тезлигида тарқалди. Қариндошлар уни излашга киришди, ички ишлар бўлимига ҳам хабар берилди. Шу қисқа вақт оралигида кимдир қизни ёмонотликка чиқаришга ҳам улгурган бўлса, яна кимдир қизни олиб қочишган деди. Кўп ўтмай «қочок» уйига қайтиб келди. Шаҳарда иш излаб, тополмай келибди... Аммо у бу билан кичкина ҳудудда урчиган миш-мишлар, ўз шаънига чаплаган қора бўёқларни қандай кеткиса олади энди?

...Малика эса икки нафар шириндан-шакар фарзанднинг онаси. Тўғри, келин бўлиб тушганидан бери гоҳ қайнонасининг, гоҳ турмуш ўртоғининг қовоғига қараб, иш тутди. Ўзига қарамаса-да, аммо анги хонадон ақлининг кўнглини овлашга интилди. Лекин назарида доим улар келинидан норозидай туюлаверар, бу фикр эса унинг қалбига маҳкам ўрнашиб олган, ҳаммасидан биратўла қутулиш истаги унга тинчлик бермасди. Ишлаш деса, қўлида тайинли дипломиям йўқ, ўз вақтида бирор хунарнинг бошидан тутмагани ҳам панд берди. Фарзандларини кўрса, ҳовуридан тушарди-ю, аммо қанчадир фурсат ўтмай, яна тинмай ҳаёлида яратиб олган азоб исканжасига бурканиб оларди. Бу кўркун уни яхши йўлга бошламади. Кимга жажл қилди, билмайди, қаердадир эшитгани, музлаткичдаги сиркани олди-ю, ичиб юборди... Шукрки, вақтида етиб келган «Тез ёрдам» унинг ҳаётини сақлаб қолди. У ўз қилмишдан пу-



шаймон бўлди, фарзандлари кўзига қараб ўзига лаънатлар айтди. Аммо энди кеч эди — чунки у ногирон бўлиб қолганди.

...Зулайхонинг исми жисмига монанд, чиройи нафақат дугоналари, балки кўрган кишининг ҳавасини келтирар, дунёдаги жамики бахт унга насиб этгандай тасаввур уйғотарди. У ҳам ўз навбатида гўзаллигидан мағрурланар, фақат... Ўзидан кўра хунуқкина, дугоналарининг таърифи билан айтганда, на хусни, на латофати бор, қизларнинг кўзани қувнатиб қийиншиларини кўрганда ичидан зил кетарди. Айниқса, мактабни битириш кечасида унга роса алам қилди. Шу чиройига яраша қўйлақ бўлса эди... Афсус, отаонаси унинг бу истагини амалга оширолмадилар. Ахир ундан бошқа яна учта укаси мактабда ўқиса, қолаверса, ўша пайтларда оиласидан ташвиш аримай қолган, отасини шифохонада даволатиш учун каттаги-

на маблағ сарфлашганди. Зулайхо кўп ўйлади, сўнг бир хулосага келди. «На хусни, на латофати бор» қизлардан бирининг тилла занжирини ўғирлади. «Ахир битирув кечаси ҳаётимда бир марта бўладиган воқеа. Наҳотки бу кечада ялғай қўйлақларда қатнашишга ҳаққим бўлмас. Бундай ишга бошқа қўл урмайман, фақат бир мартагина, мажбур бўлганимдан олдим бу занжирни», у ўзини шу каби ҳаёллар билан оқлади. Афсус, иродасининг бир мартагина бўшлиқ қилгани унга бир умр тамга бўлиб қолди...

Омадни қувиб етиш мумкин

...У ўзини аввал бошданок омадсиз ҳисобларди. Бунинг устига атрофдагиларнинг унга менсимаслик ва ачиниш билан қарашлари, ўзлари қатори тенг кўрмасликлари ранжитар, омадсизлигига тобора кўпроқ ишона бошларди. «Ахир ноги-

Мунозара учун мавзу

рон бўлиб қолишига ўзи сабабчи эмас-ку! Одамлар бунчалар бешафқат бўлишмас. Уларга оғирлиги тушаётгани йўқ, ахир. Нега ҳамма уни турткилагиси, аламини ундан олгиси келадми?» Бу каби саволлар қарийб ҳар куни унинг кўнглидан ўтар, уларга жавоб излашдан кўра китоб ўқиб, овунарди. Аммо кунларнинг бирида яқин қариндошларининг ҳам уни мазаҳ қилишлари, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, бечораҳол дея камситишлари кўнглидаги аламини кучайтириб юборди. Охири ўз йўлини топиш учун шаҳарга отланди. «Қийналиб қолсан» дея қизини йўлдан қайтаришмоқчи бўлди ота-она. Аммо унинг қарори қатъий эди, ҳужжатларини олди-ю, йўлга отланди.

Тўғри, аввалига олий ўқув юртига ўқишга киролмагани учун ўз қароридан пушаймон бўлган вақтлар ҳам бўлди. Аммо тасодифни қарангки, шу ерда яхши ёрдамчи излаб юрган бир тикувчи аёл билан танишиб қолди. Унинг уйда яшаб, тикувчилик сирларини ўргана бошлади...

Бугун ўша қиз — Замира тикувчилик цехи ташкил қилган, ҳатто имконияти чекланган қизларга хунар сирларини ҳам ўргатмоқда. Бир пайтлар унга бепасанд нигоҳ билан қараганлар ҳозир ундан ёрдам сўраб келаётгани ҳам рост.

Бу билан Замира агар инсон қатъий аҳд қилган бўлса, ўз мақсадларига эришиш мумкинлигини амалда исботлай олади.

Дарвоқе, Замирага ўхшаган қизлар оралиқда кам эмас. Албатта, унга ҳам ўз орзусига эришиши осон кечмади. Қанча тунларни бедор ўтказиб, тинимсиз меҳнат қилиш орқалигина ўз миждоғларига эга бўлишни игна ишлашнинг машаққатини бошидан кечирганлар яхши билади. Замира ҳам оёғидаги нуқсонга қарамай, меҳнатдан чарчамади. Ўрганди, изланди, соҳасидаги англикларга интилди. Яқин қариндошларидан «Қиз болга бошингга, яна бу аҳолига сенга зарур келтимми?» деган таъналарни эшитса-да, тиним билмади. Ўткинчи таъна-маломатларга парво қилмади.

Ҳаёт сабоғи

Ҳаётдаги энг оғир вазиятлардан, ечилиши мушкул муаммолардан иродаси туфайлигина голиб чиққанлар кўп бу дунёда. Замиранинг ҳаёти ҳақида бежиз ёзмадик. Имконияти чекланган бўлишига қарамай, иродасига суяниб ўз ўрнини топиш учун тиним билмай меҳнат қилди. Бугун эса у кўпчиликнинг меҳр-хурмати-га сазовор.

Орамингда у каби хотин-қизларнинг борлиги ва уларнинг кам эмаслиги кишига таскин беради. Аммо ҳаётдаги кичик қийинчиликдан ҳам катта муаммо ясаб, нопок йўللарга кириб кетаётган аёллар, жиноят кўчасига кириб қолаётган хотин-қизлар ва энг ёмони, ўз жонига қасд қилишгача етганлар-чи?.. Тўрт мучаси соғ бўлатурибу муаммолар қаршида охири қилиш, нафақат ўзи, оиласидагиларни ҳам ундан-да катта муаммоларга рўбарў қилиш иродасизлик эмасми?

Бугун нафақат дунё миқёсда, балки юртимизда ҳам хотин-қизларнинг таълим олишидан тортиб, касб-хунар эгаллаши, ўз иқтидорини намойён қилишлари учун катта имкониятлар яратилаётир. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам ёшларнинг илм олишидан тортиб, спорт билан шугулланишлари, касб-хунар эгаллашлари учун барча шароитлар бор. Лекин бу имкониятлардан ўз ўрнида фойдаланиш ўрнига кўнгили майлига берилган, ортиқча хою хавасларга қул бўлиб, адашган аёллар бу хатоларини англаб етганда аллақачон қимматли умри, янаям муҳими, аёллик шаънини йўқотганиги кўнгилига оғриқ беради. Ахир аёл шаъни ҳар қандай даврда ҳам энг покиза бир неъмат сифатида улуғланган, авлодлар тарбиясида муҳим саналган фазилат ўрнида бежиз қадрланмаган.

Гулрух МҶМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

БАХТ ЎЗ УЙИМИЗДА

ФХДЁ фаолияти

Деярли ҳар куни ҳузуримизда оила қуришни ниёт қилган ёшлар келишади. Биз улар билан дастлаб алоҳида мулоқот ўтказамиз. Тўйгача бўлган муддатда бир-бирларини яхши тушуниб олишларидан ташқари, ҳаётга бўлган қараш, бирор касб-хунарни эгаллагани ёки феъл-атворларини обдон ўрганишлари лозимлигини тайинлаймиз. Одатда айрим ота-оналар икки ёшни биринчи учрашувга чиқанидан кейин даровр унаштиришга тушишади ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай тўйини ҳам бошлаб юборишади. Бу эса нотўғри йўллар. Ақсинча, бўлғуси келин-куёвга бундай маҳал бироз вақт бериш, уларни аввалдан турмушининг қувонч-ташвишларига тайёрлаш керак.

Агар оилани боб дег атакас, унда сарҳил мевалар етиштириш учун албатта, қўчат соғлом бўлиши, яхши парваришлангани шарт. Шу боис никоҳ оstonасида турган қизларга оила, турмуш тушунчасини кенгроқ ва содда тилда тушунтиришга уринамиз. Оила кўрғонини бунёд этишда эркакнинг роли биринчи ўринда турса-да, бу кўрғон мустаҳкамлигини сақлаб қолиш кўп жиҳатдан аёлга, унинг кенг феълли эканига, билимли ва

маънавияти юксаклигига боғлиқ.

Этиборли жиҳати, турмушга чиқишга ҳозирлик кўраётган қизларни ҳафтада бир кун бўлимида хузурда мунтазам фаолият юритаётган «Оила дорилфунуни» машғулотларига тақлиф этиб, мутахассислар иштирокида тиббий маданият, оила ва никоҳ шартлари, эр-хотиннинг бурч ва масъулиятлари ҳақида суҳбатлар уюштирамиз. Айниқса, ҳар йили икки мартаба тиббий кўрикдан ўтиш хотин-қизлар саломатлиги учун жуда муҳим эканлигини уқтирамиз.

Масалан, шу кунгача тўққиз юзга яқин никоҳни расмий равишда қайд этган бўлса, бир йилдан сўнг шунча оилада эртанги кун ворислари дунёга келди. Албатта, ёшларимизнинг оила қуриши, уни асраб-авайлаш борасидаги тушунчалари йил сайин кенгайиб бораётгани қувонарли. Никоҳдан ўтаётганлар маънавиятли, жисмонан соғлом бўлсалар, уларнинг фарзандлари ҳам фаровон ҳаёт кечиряшади. Шундагина аёл ҳам, эркак ҳам ўз уйдан бахт топади.

Малика ШАРИПОВА,
Бекобод шаҳар ФХДЁ бўлими мудири вазифасини бажарувчи.

Миннатдорчилик

КЎЗИМ ОЧИЛДИ

Бу йил 78 баҳорни қаршиляяпману, лекин шу ёшгача бирор марта саломатлигимдан шикоят қилмагандим. Иссиқ жон экан-да, бундан уч ой аввал ўнг кўзим олдинга хиралашиб, кейин мутлақо кўрмай қолди. Аҳволимдан хавотирланган фарзандларим мени бир қанча шифокорларга кўрсатишди. Минг афсуски, ҳужайроқ ташхис қўйишмади. Шундан сўнг пойтахтимизнинг Олмазор тумани ҳудудида жойлашган «CRYSTAL» кўз касалликлари хусусий клиникасига мурожаат қилдик. Бош шифокор ўринбосари Шахрий Шамсиев текширувдан ўтказган, «Отаҳон, кўзингизни озгина парда қоллабди, хавотирли жойи йўқ, насиб этса, кўрасиз», деб таскин берди. Бу гапни эшитиб, қўларимга ёш келди. Кўп вақт ўтмасдан олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Ботир Калонхўжаев кўзимни операция қилди. Ярим соатдан кейин шифокор-офтальмолог Отабек Аллабергановнинг назоратида бўлдим. Секин кўзларимни очарканман, атрофни аниқ-тиниқ кўраётганимни сездим. Оила аъзоларимнинг суюнганини айтмайми.


Энди яна аввалгидай саломатлигимдан хотиржамман. Дардманд инсонга шифокорларнинг муолажасидан ҳам олдин муомаласи даво бўлади деб бежиз айтилмаган экан. Ушбу саломатлик масканида хизмат қилаётган Саидахон, Шахнозахон, Лилия, Алёна деган ширинсухан хамшираларга ҳам алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Ниятим, эл саломатлиги йўлидаги фидойи меҳнатларининг роҳатини кўриб юриш ҳаммангизга насиб этсин, муҳтарам шифокорлар!

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани.



ЭНГ КЎП КАВАТЛИ МЕҲМОНХОНА

Каватлари энг кўп бўлган меҳмонхона "Парк Хяъ" деб номланиб, Шанхайнинг маъмурий тумани



бўлмиш Пудонгга жойлашган. Бино аслида Бутунжаҳон молия марказининг маъмурий биноси бўлиб, унинг энг юқори каватлари яъни, 79-93-каватларидан меҳмонхона ўрнида фойдаланилади. Ушбу каватдаги хоналардан бутун шаҳар ва Хуанпу дарёси кўзга ташланиб туради. Пудонг тумани эса энг яхши ресторан ва барлари билан донг таратган.

ЭКОЛОГИК МЕҲМОНХОНА

Австралиянинг Квинсленд туманида дунёдаги машҳур экологик меҳмонхона барпо этилган. "Дейнтри Эко Лоджи энд Шпа" (Daintree Eco Lodge & Spa) деб аталмиш ушбу дам олиш маскани бегона кўзлардан холи бўлган ва дунёдаги энг кади-



мий тропик ўрмон ҳисобланган Дейнтрида жойлашган. Айнан шу ерда барча талабларга жавоб берадиган 15 та вилла бор. Улар БМТ, Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи, Халқаро экотуризм ассоциацияси ва Бутунжаҳон савдо ташкилотининг барча экологик стандартларига мос келади. Меҳмонхонада қуёш энергиясидан фойдаланиб, тежамкор истеъмол усуллари ишлаб чиқилган. Меҳмонхона ҳудудида шахсий ўсимлик маҳсулотларини етиштириш учун органик ферма ташкил қилинган. Юқори экологик меъёрларга амал қилиш бўйича ушбу меҳмонхона дунёда етакчилик қилади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ШИРИН СЎЗЛИ ҲАМШИРА БЎЛСА...

Бувимнинг айтишларича, онам ёшлигидан юрак хасталиги билан туғилган экан. Шу сабабли у кишига фарзанд кўриш мумкин бўлмаган. Аммо онам турмушга чиққач, шифокорларнинг қаршилигига қарамай, мени дунёга келтирган экан. Дадам бўлса онамнинг касалини баҳона қилиб, ичкиликка берилиб кетди. Шу сабабли уйимизда ҳар доим етишмовчилик бўлиб турарди. Онам бечора рўзгорнинг кам-кўстини тўлдирмаган деб қишлоқ гузарига жойлашган чойхонага фаррош бўлиб ишга кирди. Дадам эса ичволиб, онамни ура бошлагач, охири тоғамникига кетиб қолди. Озроқ пул тоғамникидан кейин уй-жой қилдик. Барибир онамнинг соғлигидан хавотирдаман. Шу боис уйланишга имконим етмади. **Ёшим 32 да.** Уйим-жойим бор. Ишлайман. Онажонимга ширин сўзи билан малҳам бўладиган ҳамшира қизга уйлансам дейман.

САРДОР,
Жиззах вилояти.

БЕФАРЗАНДЛИК ДОҒИ

Севара билан девор-дармиён кўшини эдик. Онам уни келин қиламан, деб юрарди. Ниҳоят орузи амалга ошди. Севара билан 7 йил бирга яшадик. Аммо ўртамазда фарзанд бўлмади. Ота-онам ажрашманглар, бола асраб олинглар, деб маслаҳат беришди. Лекин Севара кўнмади. Биз охири суд орқали ажрашдик. У яқинда турмушга чиқди. Илоҳим бахтли бўлсин. Мен ҳам ақлли-хушли, ор-номусли бир нафар фарзанди бор аёл билан оила қуриш истагидаман. **Ёшим 35 да.** Топиш-тутишим ёмон эмас. Ўзимнинг уй-жойим бор. Фақат хувиллаб қолган кўнглимга малҳам, хонадойимга файз олиб қирадиган аёл бўлса бас.

АКМАЛ,
Тошкент вилояти.

ОИЛАМНИ АСРАБ ҚОЛДИМ

Аҳил-иноқ опа-сингиллар ҳақида эшитсам, ҳавасим келади. Чунки mening ўзим ёлғиз қизман-да. Икки акам бор. Улар менга меҳр кўрсатиб, бошларига кўтаришади. Лекин катта келинойим-

нинг "меҳрибон"лиги туфайли бошимга анча-мунча ташвишлар тушди. Янги келин бўлган вақтларим ота-онамникига меҳмонга борсам, келинойим қайнона-қанотам, қайнсинглим билан муносабатим ҳақида сўраб-суриштирарди. Мен ҳам ёшлик қилиб, уйдаги бор сирларни очиб ташлардим. Уша пайтлари "Кўзингни оч, уйдаги гапни кўчага олиб чиқиш яхшилиқ келтирмайди", деб тўғри маслаҳат берадиган одам бўлмади. Қайнсинглим менга бироз кўполроқ муомалада бўларди. Шу ҳақда келинойимга айтсам, мени унга қарши қайраб, бўш келмаслик усулларини ўргатарди. Қайнсинглим билан орамаздаги келишмовчилик тобора чуқурлашиб кетди.



Бахтли бўлинг

Бундан қайнона-кам кийнаиб кетишди. Улар қайнсинглимни тезроқ узатсак, бу машиналардан қутиламиз деб ўйлашарди. Аммо мен келинойимнинг маслаҳатига амал қилиб, уйга келган совчиларни қайтара бошладим. Сир очилиб қолгач, хўжайиним мени уйдан ҳайдаб юборди. Келинойим ҳам тўнини тескари қийиб олиб, уйига сиғдирмади. Нима қилишни билмай юрган кунларим бир дугонанинг маслаҳати билан газетамга мурожаат қилдим. У ердаги ходимлар тақдирим ҳақида огоҳ бўлгач, оиламни тиклашни маслаҳат беришди. Эгилган бошини қилич кесмайди, деганлари рост

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ҚОСИМ ОТА,
Самарқанд вилояти.

МАККАЖЎХОРИДА ОЛТИН БОР(МИ?)!

Маккажўхори ноёб шифобахш ўсимликлар сирасига қиради. Айниқса, унинг попуги жуда фойдали. Ёшартирувчи хусусиятга эга. Тўқималарда моддалар алмашинувини фаоллаштирибгина қолмай, соч-тирноқларни ҳам мустаҳкамлайди. Шунингдек, терига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қандли диабет билан оғриган беморларга фойдали бўлиб, қон таркибида қанд миқдорини камайтиради. Қон босими ошишининг олдини олади.

Маккажўхорининг таркибида В₁, В₂, РР витаминлар, каротин ҳамда кам миқдорда олтин моддаси мавжуд. Ундан тайёрланган бўтқа ва таомлар ичаклар фаолиятини яхшилайдди. Уруғидан олинган ёғи қондаги холестерин миқдорини қеъерлаштиради. Атеросклерозда пархез таом тайёрлаб истеъмол қилиш тавсия этилади.

Халқ табибатида маккажўхорининг попугидан сийдик ҳайдовчи, ўтқопи фаолиятини яхшиловчи омил сифатида фойдаланилади. Тибиётда маккажўхори попугидан суюқ экстракт тайёрланади ва сий-

дик ҳайдовчи ҳамда гепатит, холестит, энтероколит, холангит ва ошқозон-ичак касалликларига қарши восита сифатида қўлланилади.

Эмаль идишга 1 стакан қайнаган сув, 2 ош қошиқ майдаланган маккажўхори попугини солиб, 15 дақиқа қопқоғини ёпиб, сув ҳаммомида тиндириб қўйилади. Кейин икки қават доқадан ўтказиб, сиқиб, стаканга сузиб олиб, хона ҳароратида 45 дақиқага қўйилади. Уй шароитида тайёрланган мазкур дамламани овқатдан 30 дақиқа олдин буйрак касалликларига қарши, сийдик ҳайдовчи восита сифатида истеъмол қилиш тавсия этилади.

3 қошиқ маккажўхори попугига 200 мл қайнаган сув қўйилиб, бироз муддат тиндирилади. Ушбу дамлама юқоридаги касалликларга қарши 3 ҳафта давомида 1 кунда 3 маҳал овқатдан олдин 50 мл дан истеъмол қилинади.

Ушбу дамламаларни қабул қилишдан олдин албатта мутахассис билан маслаҳатлашинг.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Юмшоқ ва энгил пицца тайёрлаш сирини биласизми? Бунинг учун ҳамирни газли сувда қоргангиз маъқул.

Пичоқларни қайноқ сувда юва кўрманг, бу унинг тезда ўтмаслашиб қолишига олиб келади.

Газ плитасини тозалашдан олдин 20 дақиқа давомида юпка қилиб ичимлик содаси сепиб қўйилса ундаги доғлар осон тозаланади.

Кийимлардаги қаҳва доғини кетказиш учун ойналарни ювишга мўлжалланган суюқликка матони намлаб, ўша жойни артинг. Сўнгра таркибида оқартирувчи модда мавжуд бўлган сода билан ювинг.

Сут қайнаётганда унга бироз шакар қўшсангиз унинг қайнаб чиқиш муддати тезлашади.

Болаларга кўпроқ қатиқ ичириб туриш керак, у суюқларни мустаҳкамлаб, ривожланишига ёрдам беради. Сутга нисбатан қатиқ таркибидаги кальций организмга тез сингади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРАДИМИ?

Оммавий ахборот воситаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан муҳокама этилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида эшитиб қолдим. Эндиликда фарзандликка олиш тартиби қандай амалга оширилади?

Наргиза САМАНОВА,
Сирдарё вилояти, Ховос тумани

Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Олимжон ЎСАРОВ шундай жавоб берди:

— Фарзандликка олиш, биламизки, оила қонунчилигининг муҳим масалаларидан бири бўлган мураккаб ҳуқуқий институтдир. Бугунги кунда бундай масалалар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш тўғрисида»ги Низом асосида тартибга солиноқда. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўра, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахслар аризага ва васийлик ҳамда ҳомийлик органлари тавсиясига қўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга ошириб келинмоқда.

Эндиликда бу тартиб-қоидалар та-

момила янгилиниб, фарзандликка олиш бўйича ишларни қўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш таклиф этилмоқда. Шу жиҳатдан, кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида муҳокама этилган мажмур қонун лойиҳаси жамият учун муҳим аҳамият касб этгани билан аҳамиятлидир. Маълумки, боланинг келажаги унинг қандай оилада камол топишига боғлиқ. Болага ота-она танлашда, уни оилага (фарзандликка олиш, васийлик, ҳомийлик белгилаш ёки тутинган оила) тарбияга беришда, унинг келажақ ҳаётини белгилашда ҳаттога йўл қўйиш салбий оқибатларга олиб келади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида давлат ва жамият етим

Сўраган эдингиз

болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан мажмур бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши кафолатланган. Шунингдек, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши эканлиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бошқа асосий йўналишлар сифатида белги-ланган.

Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилинишни, фарзандликка олишнинг сир сақланишига риоя этилиши ва қонун ҳужжатлари бузилишининг олди олинишни таъминлайди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига киритилаётган юқоридаги ўзгартириш ва қўшимчалар миллий аъёнлар ва замон талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институти янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ҳамда вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини келгусида изчил ҳимоя қилишга хизмат қилади.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Эркаклар ўртасидаги яққалик беллашувларида барча совринли ўринлар Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Финалда Ботир Сафоевни 6:3, 2:6, 6:0 ҳисобида енгган Санжар Файзиев Ўзбекистон чемпиони, деган шарафни номга сазовор бўлди. Ботир Сафоев кумуш, Павел Цой бронза медал билан тақдирланди.

Жуфтликлар ўртасидаги финал учрашувида пойтахт вакиллари Незмат Шофайзиев ва Санжар Файзиев дуэти қашқадарёлик Алексей Намозов ва бухоролик Азизбек Луқмоновни 7:5, 6:4 ҳисобида енгди.

Учинчи ўрин тошкентлик ёш теннисчилар Сардор Раҳимов ва Искандар Довудовга насиб этди.

Хотин-қизлар мусобақасининг финал учрашувида чемпионат кашфиёти — қашқадарёлик Гўзал Юсупова пойтахтлик Арина Фольц билан беллашди. Унда 6:2, 7:5 ҳисобида зафар кучган А.Фольц иккинчи мартаба мамлакат чемпиони бўлди. Г.Юсупова илк мартаба кумуш медални қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун баҳсда пойтахтлик Амина Мухаметшина андижонлик Жамила Содиқжонлова 6:2, 6:1 ҳисобида енгди, бронза медалга эга бўлди.

Жуфтликлар мусобақасида биринчи рақамда сараланган Арина Фольц ва Амина Мухаметшина голиб бўлди. Гўзал Юсупова ва пойтахтлик Даяна Седова иккинчи, қашқадарёлик Мадина Хотамова ва мезбонлар вакили Александра Стаханова учинчи ўринни эгаллади.

ПОЛВОНЛАРИМИЗДА ИККИТА КУМУШ

Болгариянинг София шаҳрида бокс бўйича ўтказилган анъанавий "Strandja Memorial - 2013" халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккита кумуш медални қўлга киритди.

91 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Мирзохид Абдуллаев финалгача беларуслик жаҳон чемпионати совриндори Сергей Корнеевни 14:10, мезбонлар вакили Кристиан Степановни 14:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Финалда Лондон Олимпиадаси совриндори Тервел Пулевга (Болгария) ютказган ёш боксчимиз кумуш медал билан кифояланди.

Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида Олим Хусанбоев ярим финал учрашувида россиялик Абдурахмон Ширинов устидан 21:20 ҳисобида зафар кучди. Бироқ, финалда болгариялик Александр Александровга ютқазиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЙЎЛ

Умр сип-силлик асфальтдангина иборат эмас, унинг лой кўчалари, тош йўлаклар бор. Тошларнинг қақирдан баъзан товонлар тешилади, баъзан тиззагача лойга ботади киши.

Кимдир тош ва лой йўллардан асфальтга ўтиб олса, кимдир асфальтдан чиқиб, йўлни йўқотад.

Ҳар ҳолда асфальт йўлдан кетмаган кимса йўлнинг қадрига етгани яхши.

АЖАБО

Улар бир дастурхон атрофида ўтиришди. Бир-бирларини сийлашди, сийлашди, мулозамат кўрсатишди. Уларини га м а х ў р дўст, м е х р и б о н ўртоқдай туттишди. Б и р о в и т а ш в и ш чекса, қайғургандай, б и р о в и қувонса, шодлангандай бўлишди.

Гўё улардан ўтар яқинлар йўқдай. Чироқ билан пиликка қиёслашди ҳатто.

Бир-бирларини макташани айтмайсизми, какку билан ҳўроздай худди.

Аммо... Бирови сал бурилиши билан иккинчиси ортидан ивго, гийбат бошлади.

Ажабо! Бу қандай дастурхон бўлди?

ОҚИБАТ

Уларни мажбур қилиб унаштиришди. Судраб-судраб никоҳдан

Қатрлар

ўтказишди. Зўрма-зўраки қилиб тўй қилишди.

"Синглимдай бўлиб қолган қизга қандай уйланаман?", деди йигит.

"Акамдай бўлиб қолган йигитга қандай турмушга чиқаман?", деди қиз.

Уларни назарга илишмади, сўзларига қулоқ солишмади. Қулоқ солмаганлардан бири ака эди, бири ука. "Укамнинг қизи бировники бўлмасин", деди ака. "Бегонадан қўра ўзимники яхши", деди ука.

Кимдир қариндошлар никоҳдан узоқ юришни маслаҳат берди. "Бинойидай яшаётганлар борку. Худонинг кўзи ўнг бўлсин",



дейишди унга. Хуллас, у бўлди, бу бўлди, тўй бўлди.

Бироқ... Худонинг кўзи ўнг бўлмади. Бир йил ўтди, беш йил ўтди, ўн йил ўтди. Алап оқибат даҳшатли: ўн йил ўч бурчидан уч ногирон бола, тўртинчи бурчидан аламини ичкиликдан олиб, ҳар куни бир-икки шишани бўшатадиган ота.

Ўртада дунёга келганидан афсус-надомат чекиб, бошини қайси тошга уришни билмаган онаизор...

Лола ЎРОҚОВА

Т а с с у ф

ОТА-ОНА ОЙНА ЭМАСМИ?

— Ҳар куни ишдан қайтсам, қизим телевизорда кўраётган, ўғлим эса компьютерда берилиб ўйин ўйнаётганига гувоҳ бўламан, — дейди Назира деган аёл қуниб. — Кечки овқатни еб бўлишимиз билан биргаликда сериал томоша қиламиз. Битта телеканалда кино тугаса, иккинчисидан бошқаси бошланади. Хўжайиним эса ишдан кела солиб, бошқа телевизорда футбол кўргани кириб кетади. Тунов куни қизимнинг ўқитувчиси мактабга боришимни тайинлаб юборибди. Нима гап экан, дея хавотирланиб эртаси куни учрашдим. «Опа, қизингизда ҳеч нарсага уқув ҳам, қизиқчи ҳам йўқ. Дарс маҳалиям нималарнидир хаёл суриб ўтиради. На аник фанларга, на ижтимоийсига қизиқади. Улаштириши жуда паст», деб шикоят қила кетди. Тўғриси, фарзанднинг ҳақида бундай аччиқ, лекин рост гапларни эшитиш оғир ботар экан. Ломлим деёлмадим. Ўғлим ҳақида ҳам ўша куни яхши гап эшитмадим.

Уйга бориб, кечкурун қизим билан бирга ўғлимнинг роса койиб-койиб, қўлларига китоб тутқаздим. Агар ҳар куни ўн саҳифадан ўқишмаса, харажатлари учун пул бермаслигимни айтдим. Шунда улар, менга қараб нима дейишди денг: «Ойижон, аввал ўзингиз бизга китоб ўқиб намуна кўрсатсангиз бўлармиди?»

Яхшилаб эслаб кўрсам, ҳақиқатан ҳам менинг ўзим шу маҳалгача кундалик ташвишлар билан андармон бўлиб, бирор марта қўлимга тайинли китоб, газета-журнал ушламаган эканман. Ёлғон бўлмасин, баъзан бозорчилар ўқийдиган газеталар қўлимга тушиб қолса, қайси артист ажрашибди, қайси бири тўйда жанжаллашиб қолибди, шунга ўхшаш мишмишларга қизиқаман. Эрим билан иккимиз алоҳида-алоҳида гап-гаштакка бориб, юз минглаб пулларни аямай соварамиз. Аммо болаларимизга бирор бадий китоб ёки қизиқадиган соҳаси билан боғлиқ қўлланмаларни сотиб олишга кўзимиз қиймайди. Бу ахволда улар келажақда қандай соҳа эгаси бўлиб чиқаркин?

Назира опанинг айтган гапларини изоҳлашга ўрин бормикан? Чунки бизнинг халқда "Қуш уясида кўрганни қилади" деган ажойиб нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ота-онанинг ўзи фарзандлари учун ойна ва зифасини ўташи керак-ку!

Нигора АЛИШЕР қизи.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлемзалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклам материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9772010760007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси

1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой Бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 228. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 10550. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5